

ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

Жорий шартнома лойиҳаси дастлабки ҳисобланади, амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ҳолда, томонлар келишувига асосан унинг шартлари ўзгариши мумкин.

Шартнома №

Олмалиқ ш.

«__» _____ 2021 й.

Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали, номидан _____, _____ асосида иш юритувчи, кейинги ўринларда Буюртмачи деб номланувчи, ва «_____» номидан _____, асосида иш юритувчи _____, кейинги ўринларда Бажарувчи деб номланувчи, иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Буюртмачи _____ номли хизмат тури, кейинги ўринларда Хизмат деб номланувчи, Илова № 1 асосида, мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

II. КўРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ШАРТЛАРИ

- 2.1. Кўрсатиладиган хизматлар муддати шартнома кучга кирган санадан бошлаб ___ кун.
2.2. Хизмат кўрсатиш юзасидан - муддатидан олдин ишни бажариб беришга рухсат берилади.
2.3. Хизмат кўрсатиш якунланган сана деб, бажарилган ишлар далолатномасига имзо қўйилган сана ҳисобланади.

III. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ СУММАСИ

- 3.1 Шартноманинг умумий суммаси _____ сўмни ташкил қилади.

IV. ТўЛОВЛАР

- 4.1 Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар Буюртмачининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли орқали сўмда амалга оширилади.
4.2. Буюртмачи шартнома кучга киргандан сунг 5 (беш) иш куни мобайнида шартнома кийматининг 30 % дан кам бўлмаган миқдорини тўлайди. Тўловнинг қолган 85 фоизи тақдим этилаётган бажарилган ишлар далолатнома асосида амалга оширилади.

V. Хизмат сифати

- 5.1. Мазкур шартнома бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифати, тегишли меъёрий ҳужжатларга тўғри келиши керак.

VI. ИШНИ ТОПШИРИШ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Хизматлар Бажарувчи томонидан топширилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ҳисобланади:

- мазкур шартноманинг Илова №1 га асосан тўлиқ ишлар топширилиб, бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг.

VII. ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ

- 7.1. Буюртмачи пулни ўз вақтида тўламаса, Бажарувчига хар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган сумманинг 0,1 % миқдоридан, лекин шартнома суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаган суммада пеня тўлайди.

7.2. Бажарувчи хизматни ўз вақтида бажариб бермаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун Буюртмачига бажариб берилмаган хизмат нархининг 0,1 % миқдориди, лекин шартнома суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаган суммада пеня тўлайди.

7.3. Пеня тўлаш ва зарарни қоплаш шартнома томонларининг ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди

VIII. ФОРС-МАЖОР

8.1. Шартнома томонлари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини қисман ёки бутунлай бажаришдан енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) вужудга келганда озод этиладилар.

8.2. Бундай вазиятлар вужудга келганда томонлар 3 кун ичида бир-бирини огоҳлантириши, шартнома муддатини узайтириш бўйича чоралар кўриши керак.

IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома тўғрисида келиб чиқиши мумкин бўлган барча низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт судида кўриб чиқилади, иккала томон учун унинг ҳукми ҳал қилувчи ва мажбурий ҳисобланади.

X. ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

10.1. Томонларнинг ҳеч бири мазкур шартнома бўйича ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсга бериш ҳуқуқига эга эмас.

10.2. Мазкур шартномага барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда ва иккала томоннинг маъсул шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Шартнома уни икки томонлама имзоланган кундан бошлаб тарафларнинг ўз мажбуриятларини тўла бажаргунга қадар амалда бўлади.

10.4. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита нусхада тузилган.

10.5. Шартноманинг Илова № 1 қисми унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.6. Ушбу шартнома доирасида бошқарилмайдиган саволлар, амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида амалга оширилади.

Буюртмачи:	Бажарувчи:
Ўзбекистон Республикаси Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали	
тел.: факс ИНН: ОКОНХ: Х/Р: Банк: МФО:	
Буюртмачи томонидан:	Бажарувчи томонидан:

.....
_____	_____